

Мавзу:

«Фаолият ҳавфсизлигини таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситалари. Хавфсизликнинг тизимий (системали) таҳлили.

РЕЖА:

1. Фаолият ҳавфсизлиги принциплари.
2. Таваккал хакида тушунча ва унинг баҳолаш усуллари.
  3. Таваккал билан бошкариш.
4. Хавфсизликни таъминлаш усулари ва воситалари.
5. Тизим ва тизимий (системали) таҳлил тўғрисида тушунча.
  6. Тизимий таҳлил қилишнинг услублари.

.

- Хаёт фаолияти хавфсизлигини таминлашнинг принциплари, муслублари ва воситалари.
- Фаолият хавфсизлигини таъминлаш амалга ошириш принциnlарига кўра 3 грухга бўлинади.
  - 1. Методологик
  - 2. Тиббий – гигеник
  - 3. Техник.

- **Методологик принциплариға күра:**
- **Методологик принциплар** - фаолият хавфсизлигини таъминлашда муаммоларни хал қилиш учун йўналишларини тўғри аниқлашда қўлланилади ва куйидагиларни ўз ичига олади:
  - 1. Тизимлилик (система)- хар қандай ходиса ёки объект тизмининг элементи деб қабул қилинади.
  - 2. Маълумотлар бериш (ўқитиш, инструктаж, хавфсизлик ранг ва белгилари).
  - 3. Алоқа ва хабар бериш .
  - 4. Классификациялаш (туркумлаш) (хавлилик даражасига қараб объектларнинг синфларга ва гурухларга бўлинishi.

## • Тиббий-гигеник принциплар?

- - Хавфсизликни таъминлашда - хавфсизлик талаблари ва меъёрларини доймий равишда назорат қилиш;
- - Хаёт хавфсизлигини назорат қилиш;
- - Инсонни “вақт” билан химоялаш, яъни хавфли зонада инсоннинг булиш муддатиникамайтиришни таъминлаш, ишлаб чиқаришда иш вақтини тўғри белгилаш ва бошқалар.

- **Техник принциплари:**

- 1. Изоляциялаш (иссиқлик, товуш, титраш, элоктр ва бошқа).
- 2. Экранлаштириш (товуш, электромагнит нур түлқинлари)
- 3. Ютиш ( товуш ва тебранишни ютиш материаллари);
- 4. Фильтраш (захарли ва заарли моддаларни ушлаб қоладиган фильтрлар);
- 5. Суюлтириш (юқори концентрацияли хавфли моддаларнинг концентрациясини камайтириш).
- 6. Заиф звено (тизимни) ташкил қилиш (мембрана, сақлагичлар).
- 7. Энергияни бошқа тамонга йўналтириш (заземление).

Хаёт фаолияти хавфсизлигининг асосини таваккалчилик (риск) тушунчаси ташкил қиласи.

Таваккал хакида В. Маршалл куйидаги таърифни беради, яъни у таъкидлайдики таваккал - хавфларни амалга ошириш частотасидир.

Умумий килиб айтганда **таваккал** - хавфларни сон жихатдан баҳолашдир.

**1-мисол.** Бир йилда ишлаб чикиришида бўладиган инсон ўлиш таваккалини аникланг, агар хар йили 14000 одам нобуд, уртача ишлайдиганларнинг сони 138 миллион булса:

$$R_{mam} = 14000 / 13800000 = 0,000104 = 10^{-4}$$

**демак ишлаб чикиришда буладиган инсон халок  
бўлиш таваккали -  $10^{-4}$  тенг.**


## **Таваккал социал ва индивидуал (якка) турларга бўлинади.**

- **Индивидуал таваккал** алоҳида шахс учун маълум турдаги хавфни характерлайди.
- **Социал таваккал** - бу бир гурӯҳ одамлар учун бўлган таваккал.
- **Социал таваккал** - одамлар орасидаги ходиса частотаси (даврийлиги) билан заарланганлар сони ўртасидаги боғланишдир.
- Мутлок (абсолют) хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас.
- **Хозирги дунё мутлоқ хавфсизлик концепциясидан юз ўгиради ва маъқул бўлган (рухсат қилинган) таваккалга келади.** . Маъқул бўлган таваккалнинг мазмуни хозирги даврда жамиятни маъқул бўлган хавфсизликга интилишдир.

## **Таваккални аниклашни 4 хил услубий тури мавжуд:**

- **1. Инженерлик** - бу статистика, частоталар ҳисоби, хавфсизликнинг эҳтимолий тахлили ва хавф дараҳтларини қуришга асосланади.
- **2. Моделли** - бу алоҳида одамга, ижтимоий ва касбий гурӯхларга заарли омилларнинг таъсир қилиш моделини қуришга асосланади.
- **3. Текширишга асосланган (эксперт)** - бунда ҳар хил ҳодисаларнинг эҳтимолини малакаси ошган мутахассис (эксперт)ларни фикри (сўраш) билан аниқланади.
- **4. Ижтимоий** - аҳолини сўраб-сuriширишга асосланган.

# Маъкул таваккални аниқлаш графиги



## **Таваккал билан бошқариш**

- Бу максадда маблағларни 3 хил йуналишда тақсимлаш лозим:
  - - техник системалар ва объектларни тақомиллаштириш;
  - - хизматчиларни тайёрлаш;
  - - фавкулодда холатларни бартараф килиш.

### **Хавфсизликни таъминлаш принциплари:**

1. Таъминий принциплар-операторнинг активлиги, фаолиятни гуманлаштириш, структурани ўзгартириш, операторни алмаштириш, синфлаштириш, хавфни бартараф қилиш ва камайтириш, тизимлик ва бошқалар.
2. Техникавий принциплар – масофадан ҳимоялаш, экранлаштириш, қаттиқлигини ошириш, блокировкалаш (яккалаш), вакуумлаштириш, ҳаво кирмайдиган қилиш, пассив звено киритиш, зичлаштириш ва бошқалар.

3. **Бошкарув принциплари** - уларга режали, назоратли, бошқармали, мажбурийли, қайта алоқали, самарали, жавобгарлик, рағбатлантириш, бир маъноли, адекватли принциплари киради.
4. **Ташкилий принципларга** - уларга вақт бўйича ҳимоялаш, маълумот бериш, резервлаштириш, нормаллаштириш, кадрларни танлаш, кетма-кетлик, эргономик, меҳнатни рационал ташкил қилиш ва зидлик принциплари киради.

### **Хавфсизликни таъминлаш услублари**

- Кўрилаётган фаолият жараёнида инсоннинг турган жойи **гомосфера** дейилади.
- Ҳар доим ва даврий равишда содир бўлиб турадиган хавфли жой **ноксосфера** дейилади.
- Бу сфераларни хавфсизлик нуқтаи назардан қўшиш мумкин эмас.

## **Хавфсизликни таъминлаш усуслари 3 хил турга булинади:**

- **Метод - А**, гомосфера билан ноксосферани бир-биридан жой ёки вақт жиҳатдан ажратиш усули. Бу усул ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, жиҳозларни масофадан бошқариш, манипулятор ва роботларни кўллаш билан амалга оширилади.
- **Метод - Б**, хавфсизлик принципларини кўллаб хавфларни йўқ қилиш ва ноксосферани (ишлаб чиқариш муҳитини) нормаллаштиришдир. Бу усул инсонларни шовқин, чанг, газ, жароҳатланиш ва ҳоказо хавфли омиллардан ҳимоя қилишга қаратилган тадбирлар мажмуаси, ҳамда қисман хавфсиз техникани яратиш билан амалга оширилади.
- **Метод - В**, тегишлича ҳимоя воситалари ёрдамида инсонларнинг ҳимояланиш хусусиятларини оширишга, ҳамда инсонни ноксосферага мослаштиришга асосланган.

## **Хавфсизликни таъминлаш воситалари:**

- 1. Коллектив химоя воситалари (КХВ)
- 2. Шахсий химоя воситаларига (ШХВ) булинади.  
Хар бири вазифасига кура синфларга булинади.
- КХВ заарли ва хавфли омилларга боғлик холда:  
шовкиндан, титрашдан, электростатик зарядлардан  
химоялаш воситаларига синфланади.
- ШХВ асосан химояланадиган инсон аъзоси ёки аъзолар  
гурухига қараб: нафас аъзоларини, қўл, бош, бет (юзни),  
кўзни ва эшитиш аъзоларини химоя қилиш воситаларига  
бўлинади.

- **КХВ** - техник тайёрланишига караб куйидаги гурухларга бўлинади: тусиклар, блокировкалар, тормозлар, сақлагувчи мосламалар, ёруғлик ва овоз сигналлари, хавфсизлик асбоблари, сигнал ранглари, хавфсизлик белгилари, автоматик назорат қурилмалари, масофадан бошқариш воситалари, электр жихозларини ерга улаш ва ноллаш қурилмалари, шамоллатиш (вентиляция), ёритиш, иситиш, совутиш (кондиционерлаш), изоляциялаш, герметизациялаш воситалари киради.
- **Шахсий химоя воситаларига:** гидроизоляция костюмлари, скафандрлар, противогазлар, респираторлар, пневмошлемлар, пневмомаскалар, хар хил турдаги маҳсус кийим ва пойафзаллар, тутқичлар, қулқоплар, каскалар, шлемлар, шапкалар, шляпалар, шовқинга қарши шлемлар, қулоқка куйгичлар (вкладкшлар), химоя кўзойнаклари, сақлагувчи белбоғлар, химояловчи дерматологик(кремлар) воситалар ва бошқалар киради.

## Тизим (система) нима?

- Тизим (система) сўзи грекча - *systema* сўзидан олинган бўлиб, бутун, қисмлар ва бирикмалардан тузилган деган маънони беради.
- Тизим деганда ўзаро таъсири бирор бир мақсадга (натижага) эришишга йўналтирилган ташкил қилувчи элементларнинг мажмуаси тушунилади.


### Тизимнинг турлари:

- Улар орасидаги ўзаро таъсирлар адекват равишда маълум бир натижага олиб келса бундай система **аниқ тизим** деб аталади.
- Агар элементларнинг ўзаро таъсири ҳар хил натижаларга олиб келса, бу **ноаниқ тизим** дейилади.

## Тизим (техник жиҳатдан соз машина)



• Тизим. (техник жиҳатдан соз мотор)



- Тизимни ташкил қилувчи элементлардан биттаси инсон бўлса - **эргатик** тизим дейилади.

Масалан:

- “инсон-машина”,
- “инсон-машина-ташқи мухит”
- “инсон-машина- ишлаб чиқариш мухити”

### Тизимнинг асосий хусусияти

- Тизим уни ташкил қилувчи элементларнинг ҳар биттасида йўқ бўлган сифатларга эга бўлади.
- Системанинг бу жуда муҳим хусусияти **эмержентлик** деб аталади.

**Эмержент** – инглиизча «**Emergent**» сўз бўлиб, қўйқисдан, кутилмаганда, бирдан пайдо бўлиш маносини беради. Шу билан биргаликда бази тизимларнинг (системаларнинг) ўзига хос хусусиятлари.

- **Эмержентликка мисол**

- Тизимий ҳодиса бўлган ёниш жараёни (ёнғин) қуидаги асосий учта ташкил қилувчи элемент бўлганда ва микдорий шартлар бажарилганда юзага келади: **ёнувчи модда, оксидловчи (кислород) ва ёндирувчи манба.**
- Ёниш жараёнининг хосса ва хусусиятлари тизимни ташкил қилувчи элементлар хосса ва хусусиятларидан бутунлай фарқ қиласи.

# Ёниш жараёни (тизимнинг эмержентлик хоссаси)



## **Тизими́йлик принци́пи**

- **Тизими́йлик принци́пи** ҳодисаларга бир бутун тўплам ёки комплекс деб қараб уларни ўзаро боғлиқликда ўрганади.
- Бу хусусият умуман таҳлил қилишнинг, шу жумладан хавфсизлик муаммоларини таҳлил қилишнинг ҳам асосида ётади.

### **Тизими́й (системали) таҳлил нима?**

**Тизими́й таҳлил** - мураккаб муаммолар бўйича, шу жумладан хавфсизликда ҳам, қарорларни тайёрлаш ва асослашда ишлатиладиган методик услуг ва воситалар йиғиндисидир

## **Тизимий таҳлилнинг услубий статуси**

- Тизимий таҳлилнинг услубий статуси жуда ғаройиб: унда назария ва амалиёт элементлари ўзаро аралашиб кетган, аниқ шаклланган услублар ҳис-туйғу, шахсий тажрибалар ва эвристик услублар билан қўшилиб кетган бўлади.

## **Хавфсизликни тизимий таҳлил қилишнинг мақсади:**

Хавфсизликни тизимий таҳлил қилишнинг мақсади турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг (**авария, ёнғин, жароҳатланиш, касалланиш ва ҳоказо**) юзага келишига таъсир қилувчи сабабларни аниклаш ва уларнинг юзага келиш эҳтимоллигини камайтирадиган олдини олиш **чоратадбирларини ишлаб чиқишидир**.

- **Тизимий таҳлилнинг асосий принциплари:**

- ечим қабул қилиш жараёни асосий мақсадни аниқлаш ва уни тушунарли, аниқ ифодалашдан бошланиши керак;
- барча муаммони бир бутун деб қараш керак;
- мақсадга эришишнинг альтернатив йўлларини таҳлил қилиш керак;
- қўшимча қўйилган мақсадлар асосий мақсадга қарши бўлмаслиги керак:
  - **Асосий мақсад қуйидаги талабларга жавоб бериши керак::**
  - реаллик;
  - предметлик;
  - миқдорий аниқлик;
  - адекватлик;
  - самаралик;
  - назорат қилишлик.

- **Тизимий (системали) таҳлил қилишнинг услублари:**
- **Априор услуг** – бу услугда изланувчи берилган объект (система) учун бўлиши мумкин бўлган (потенциал) кўнгилсиз ҳодисаларни танлаб олади ва уларнинг содир бўлишига олиб келувчи ҳар хил сабаблар (холатлар) тўпламини тузишга ҳаракат қиласи.
- **Апостериор услуг** – бу услуг обьектда (системада) бирор кўнгилсиз ҳодиса рўй бергандан кейин қўлланилади, яъни кўнгилсиз ҳодисани келтириб чиқарган сабаблар қидириб топишга ҳаракат қилинади.
- **Иккита таҳлилнинг ҳам асосий мақсади** – келажакда турли кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатdir.

- **Тизимда хавфларни ўрганиш кетма-кетлиги:**
- Хавфларни ўрганиш тартиби қуйидаги босқичларда олиб борилади:
  - Биринчи босқич - хавфни олдиндан таҳлил қилиш:  
бу босқич 3 та қадамдан иборат бўлади:
    - 1-қадам. Хавф манбаларини аниқлаш ва белгилаш;
    - 2-қадам. Хавфларни келтириб чиқариши мумкин бўлган тизим қисмларини аниқлаш.
    - 3- қадам. Таҳлилга чегаралар киритиш, яъни ўрганиш талаб қилинмаган хавфларни чиқариб ташлаш.
  - Иккинчи босқич - хавфли ҳолатларнинг кетма-кетлигини белгилаш, сабаблар ва хавфлар дарахтиникуриш.
  - Учинчи босқич - оқибатларни таҳлил қилиш.

- **Сабаблар ва хавфлар дарахти”.**
- Юзага келган хавфлар ва уларнинг сабаблари ўртасида ўзаро сабаб-оқибат боғланиши мавжуд: **хавф** маълум бир сабаб оқибатидир, у сабаб эса, ўз навбатида, бошқа бир сабаб оқибатидир ва ҳоказо. Бу кетма-кетлик занжирсимон давом этади.
- Шундай қилиб, сабаблар ва хавфлар иерархик равишдаги занжирсимон структураларни ёки тизимларни ҳосил қиласди. Бундай боғланишларнинг график кўриниши шохалаб кетган дарахтни эслатади.
- Шу сабабли обьектларнинг хавфсизлигини таҳлил қилиш жараёнида ҳосил бўлган график кўринишларни “сабаблар ва хавфлар дарахтлари” деб номланади.

- **Сабблар ва хавфлар дарахтини қуриш шартлари”.**
- “Сабблар ва хавфлар дарахти”ни қуриш турли кўнгилсиз ҳодисаларнинг саббларини аниқлашда жуда катта самара берадиган усул хисобланади.
- “Дарахт” шохаланишининг кўп босқичли жараён эканлиги, унинг чегараларини аниқлаш мақсадида чеклашлар киритишни талаб қиласди.
- “Дарахт” шохаланишига чеклашлар китритиш илмий изланишларнинг мақсадига мувофиқ равища киритилади. Умуман, шохаланишнинг чегараси янги шохалар ҳосил қилинишининг мантиқий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик шарти асосида аниқланади.

- **Мантиқий кўпайтма:**
- a)  $A=B \cdot B$  (мантиқий кўпайтма).

Агарда 2 та (Б ва В) ҳодисалар А ҳодисани содир этсалар А ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли қуидагича аниқланади:

$$P(A)=P(B) \cdot P(B)$$

Агарда n та (Б, В ... N) ҳодисалар А ҳодисани содир этсалар А ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли қуидагича аниқланади:

$$P(A)=P(B) \cdot P(B) \cdot \dots \cdot P(N)$$

- **Мантиқий йиғинди:**

- б)  $\Gamma = D+E$  (мантиқий йиғинди).

Агарда 2 та ҳодиса  $\Gamma$  ни содир этса  $\Gamma$  ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли қуйидагича аниқланади:

$$P(\Gamma) = P(D) + P(E) - P(D) \cdot P(E)$$

- Агарда  $n$  та ҳодиса  $\Gamma$  ни содир этса  $\Gamma$  ҳодисанинг содир бўлиш эҳтимоли қуйидагича аниқланади:

$$P(\Gamma) = 1 - [1 - P(D)] \cdot [1 - P(E)] \cdot \dots \cdot [1 - P(N)]$$

## • Адабиётлар

1. S.Gazinazarova, E.Ibragimov, O.Yuldashev, S.Asilova. Hayot faoliyati xavfsizligi. T.: 2010.
2. S.Gazinazarova, I.Axmedov, B.Muxamedgaliyev, A.Xoziyev. Ekologik xavfsizlik. T.: 2013 y.
3. I.Axmedov. Ishlab chiqarish jarayonlari xavfsizligi. T.: 2012 y.
4. Yormatov G‘.YO. va boshqalar. Hayot faoliyati xavfsizligi. –T.: “Aloqachi”, 2009 yil. – 348 b.
5. T.Haydarov. Ergonomik biomexanika. T.: 2011 y.
6. Nigmatov I., Tojiev M. X. "Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi" Darslik.-T.: Iqtisod-moliya. 2011. -2606.
7. Tojiev M. X., Nigmatov I., Ilxomov M. X. «Favqulodda vaziyatlar va fuqaro muhofazasi» O'quv qo'llanma. –T.: “Iqtisod-moliya”, 2005. -195 b.
8. Норхўжаев А.Қ., Юнусов М.Ю. Фавқулодда вазиятлар ва муҳофаза тадбирлари. –Т.: „Университет”, 2001.

9. Тожиев М.Х., Нигматов Ива б. "Фавқулодда вазиятлар ва фуқаро мухофазаси". Уқув қўлланма. –Т.: МЧЖ., Таълим манбай, 2002. -224 б.
10. Юнусов М.Ю., Икромов Э.Ж. Фуқаро мухофазаси - доимий зарурат. –Т.: 2002.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: "Ўзбекистон", 2008.
12. "Меҳнат Кодекси". Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. –Т.: 2005 й., 37-38 - сон.
13. "Меҳнатни мухофаза қилиш тўғрисида"ги қонун. Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. –Т.: 2002 й., 1-сон.
14. Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг қарори № 286, 06.06.1997, –Т.: 1997.
15. "Ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонун. Узбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон.

## • Назорат саволлари?

1. Фаолият хавфсизлигини таъминлаш принциплари?
2. Таваккал турлари?
3. Хавфсизликни таъминлаш услублари?
4. Хавфсизликни таъминлаш воситалари?
5. Тизим нима, унинг турлари ва хоссалари.
6. Тизимий (системали) таҳлилнинг мақсади ва статуси қанақа?
7. Тизимий таҳлил қилишнинг услублари.
8. Тизимий таҳлилнинг қанақа принциплари бор?
9. Кўйилган асосий мақсад қанақа талабларга жавоб бериши керак?
10. “Сабаблар ва хавфлар дарахти” нима?
11. Хавфларни ўрганиш кетма-кетлиги қанақа?
12. Тизимий таҳлилда қанақа ҳодисалар белгилари қўлланилади?
13. Тизимий таҳлилда қанақа мантиқий амаллар қўлланилади?
14. Мантиқий кўпайтма ва мантиқий йифинди қандай аникланади?